O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ _____

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 5-may ● Payshanba ● 56 (27.391) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ватан ҳимояси — олий шараф

ҲАРБИЙЛИК — КОМИЛЛИК

ЎҚУВЧИЛАРНИ ҲАРБИЙ КАСБЛАРГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙИДА ҲАЁТИНИ ВАТАН ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАШГА ҚАРОР ҚИЛГАН МАРДУ МАЙДОНЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Аслида комиллик Ватанни танишдан, уни англашдан бошланади. Бу туйғу бизга она алласи-ю, кўкрак сути орқали ўтади. Битта ҳақиқат бор: инсон бир аср умр кўрса-да, Ватан нима эканлигини ҳис этмаслиги, Ватан, миллат фидойисига айланмаслиги мумкин. Лекин шундай инсонлар борки, бутун умрини ватан ҳимоясига бағишлайди. Ватанни ҳимоя этиш, уни асрашни ҳаёт мазмуни деб билади. Донишмандлардан бири **«Баркамол ва соғлом қалбда Ватан тақдири мумтоз ўринни ишғол этади, ҳар қандай олижаноб шахс ватан билан қон-қардошлигини, у билан ўзи орасидаги муқаддас боғланишни теран англайди»** деган эди.

Ҳазрат мир Алишер Навоий айтадилар:

Аёнким, ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

Бир эслаб кўринг-а: мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ҳарбий кадрлар, қурол-яроғ, техника танқислиги вужудга келган эди. Ўшанда куч-қудратимизга ишонмаган баъзилар «бизсиз эплай олармикинсизлар», қабилида фикр юритишганди. Хайриятки, эпладик. Нафақат эпладик, балки такомиллашдик, ўз юртимизни ўзимиз ҳимоя қила олишимизни амалда исботладик. Бу, энг аввало, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган мудофаа доктринаси ва ислоҳотлар самарасидир. Бугун биз профессионал армия тузиш, уни замонавий қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар билан таъминлаш йўлидан боряпмиз.

2-бет

ОҚИБАТ ОСТОНАСИДАГИ ОДАМЛАР

Эзгулик умидида ёнса, кишилар ташвишини ўз дарди билса, хайрли амаллар ҳаёти мазмунига айланса, қалб амри билан қадам ташласа Оқибат аталмиш фозиллик мамлакати бўсағасидан ўтиб, бутун умр мана шу туйғуга садоқат билан хизмат қиладилар

Донишмандлардан бири айтганэкан: «Ўз ишини топа олган одам саодатлидир; у бошқа саодатни ахтармай қўя қолсин. Унинг қиладиган иши ва яшашдан мақсади бор».

Биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган **Жамшид НОСИРОВ** Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Мирий номли 2-ўрта мактабни ҳамда СамДУ тарих факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Каттақўрғон шаҳар ёшлар ташкилоти етакчилигидан бошлаган.

У 1999 йилда халқ депутатлари Каттақўрғон шаҳар кенгашига депутат этиб сайланган. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилиши муносабати билан Жамшид Носиров ушбу тузилмани шакллaниш жараёнида фаол иштирок этди. Худди шу йили у «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланди.

2003 йилда у бошчилигидаги Каттақўрғон шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати 209 та шаҳар ва туман бўлимлари ўртасида ўтказилган «Энг намунали кенгаш» кўрик-танловида вилоятда биринчи, республикада еттинчи ўринни эгаллади.

Жамшид 2003 йилда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов тавсиясига биноан, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига ўқишга қабул қилинди. Таълим жараёнида Туркияда бўлиб, Анқара Олий Давлат бошқаруви институтида «Давлат бошқаруви асослари» ўқув курсида иштирок этди.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

2004 йилда Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида магистрлик ишини ҳимоя қилди.

Жамшиднинг бир қатор илмий мақолалари тўплам, журнал ва газеталарда чоп этилган. Айни вақтда у Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети иқтисодиёт факультетида иккинчи мутахассислик бўйича сиртдан таҳсил олмоқда.

Жамшид Носиров ҳамиша изланишда. Яқинда у «Умид» ногирон болалар марказини ташкил этди. Каттақўрғон шаҳридаги жисмонан нуқсонли ўғил-қизларни аниқлаб, уларнинг уй шароити, ўқиши, жамоатчиликка аралашувини ўрганиб чиқиб, бир қатор ҳомийлар ёрдамида бу болаларга алоҳида ғамхўрлик, эътибор кўрсатилмоқда.

Ушбу марказга биринчи аъзоликка қабул қилинган Р.Иззатуллаев кўчаси 55-уйда истиқомат қилувчи, 1994 йилда туғилган Азизбек Яхшиликовга «Умид» марказа томонидан ногиронлик аравачаси, китоблар, ўқув қуроллари туҳфа этилди. У болаликдан ногирон бўлиб, шу кунгача қўлтиқтаёқлар ёрдамида юрарди.

— Бу мақсад менда 2005 йилнинг бошида туғилди. Балким бу эзгу ҳаракатларимизга Азизбек сабаб бўлгандир. Унинг аҳволини кўриб, ёнимга камолотчиларни йиғдим-да, уларнинг ёрдамида шаҳримизда ёрдамга муҳтож ногирон болалар маркази фаолиятини бошлаб юбордик. Ниятим, ҳар бир инсон дунёга келар экан, ўзини атрофдагилардан кам, ночор сезмаслиги керак. Айниқса, болалар. Шу кунларда бошлаган ишларимиз жонланиб қолди. Марказимизга кўмак беришни истовчи ҳамшаҳарларимиз ҳимматини алоҳида қайд этишим зарур, — дейди Жамшид Носиров.

Шунингдек, «Умид» ташкилотчилари томонидан шаҳардаги 5-сон махсус мактаб-интернати, унда таҳсил олаётган 220 нафар ўқувчини ҳам оталиққа олишди. Уларга бадиий китоблар, ўқув адабиётлари топширилди. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида эса каттақўрғонлик камолотчилар уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиб, ёши юздан ошган улуғларни зиёрат қиладилар.

Эзгулик элчилари каби меҳрга муҳтож одамларга мурувват улашаётганлар сафи кенгаяверади. Бунга эса Жамшид бошчилигидаги камолотчилар ташаббуси ҳам мисол бўла олади.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3602-сонли Фармони қабул қилиниши муносабати билан ҳамда давлат бошқаруви органлари ўртасида вазифалар, функция ва ваколатлар аниқ белгилаб қўйилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг номи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси (Давлат мулки қўмитаси) деб ўзгартирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 4 май

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати иккинчи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси 2005 йил 6 май куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2005 йил 5 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Парламент юқори палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида кўриладиган масалаларни муҳокама этдилар.

Муҳокама асносида Сенат аъзолари қўмиталарнинг 2005 йилга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолияти режаларини қабул қилдилар ҳамда ўтказадиган тадбирларини маъқулладилар, шунингдек, қўмиталар ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг шу куни бўлиб ўтган мажлисида булардан ташқари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама этилди. Бу Қонун юзасидан Қўмита тегишли хулоса тайёрлаган бўлиб, мажлис иштирокчилари уни Олий Мажлис Сенатининг Кенгашига кўриб чиқиш учун киритишни тавсия этдилар.

(ЎзА)

Хабарингиз бор, Италия Республикасининг Миллий прокурори — мафияга қарши курашиш бўйича Италия Миллий бюроси раҳбари Пьеро Луижи Винья ҳамда унинг ўринбосари Луижи де Фикки юртимизга ташриф буюрган эди. Куни кеча нуфузли меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашиджон Қодиров томонидан қабул қилинди.

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Суҳбат давомида ўзаро манфаатларга оид муҳим масалалар бўйича фикр алмашилди. Айниқса, уюшган жиноятчилик, шу жумладан, унинг ўта хавфли кўринишлари ҳисобланган терроризм, экстремизм, наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласи ва одамлар савдоси мамлакатлараро характерга эга бўлаётганлиги ҳамда халқаро жиноятчиликнинг мазкур турларига қарши курашишда кучларни бирлаштириш лозимлиги таъкидланди.

Жиноят ишлари бўйича сўровномаларни самарали ва ўз вақтида бажариш, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органларида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг иш тажрибасини такомиллаштириш мақсадида икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш ва алоқаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва мафияга қарши курашиш бўйича Италия Миллий бюроси ўртасида уюшган жиноятчиликка ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда ҳамкорлик Меморандуми имзоланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Бош прокуратураси Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб Италия давлати билан бундай Меморандумни имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати

Миллий матбуот марказида

ЖАҲОН МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Оммавий ахборот воситаларини жамиятнинг кўзгуси дейишади. Шу боис ОАВга бўлган муносабат ижтимоий ҳаётнинг нечоғлик демократлашганию, жамиятнинг қай даражада тараққий этганлигини белгилаб беради, десак хато қилмаймиз. Демократия ривожланган мамлакатларда тараққиёт ўлчови сифатида ОАВнинг тарози қилиниши бежиз эмас, албатта. Зеро, сўз эркинлиги фуқаролар эркинлигининг энг муҳим ва зарур белгисидир.

— Матбуот эркинлиги — умумий эркинлик дегани, — деб фикр билдирди Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб Миллий матбуот марказида ўтказилган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов. — Шунинг учун матбуот эркинлиги кунини жамиятнинг умумий байрами дейишга тўла ҳақлимиз.

Дарҳақиқат, сўз эркинлиги — бу аввало матбуот эркинлиги дегани. Бунинг учун ўз навбатида журналист холис, қатъиятли ва албатта ҳуқуқий билими, маданияти юксак бўлиши талаб этилади.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва унинг қошидаги ҳуқуқий мавзуда ёзадиган журналистлар ижодий кенгаши томонидан Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати бежиз «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнида ОАВ ходимларининг ҳуқуқий билими ва маданияти» мавзусига бағишланмади. Унда Н.Исмоилов Қонунчилик палатасининг бугунги фаолияти, янги қонунлар лойиҳаси устида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталди. Мамлакатимизда ОАВни эркинлаштириш, журналистлар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнида ОАВнинг аҳамияти юзасидан баҳс-мунозара бўлди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари, газета ва журналлар бош муҳаррирлари, Ўзтелерадиокомпания каналлари раҳбарлари ҳамда ҳуқуқ мавзусида ёзадиган журналистлар иштирок этди.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ВОАЖАБ!



Қутурган кучукни кўргани замон,
Уриб ҳайдайдилар уни бегумон.
Одам қутурсачи, воажаб, қаранг,
Хушомад қилгайлар эҳзозлаб чунон.

Абдулла ОРИПОВ, 4 май 2005 йил

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON — TURKIYA BANKI
«O'T-BANK YoAJ»
O'zbekistondagi mahalliy va xalqaro bankingiz
Tel: 173-83-24, 25, 173-72-48. Faks: 120-63-62,
WWW.utbk.com E-mail: utbank@utbk,com
Хизматлар лицензияланган

Депутат фаолияти

МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР БАҲСЛАРДА ТУҒИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Шарбат АБДУЛЛАЕВА билан суҳбат

— Шарбат Зулфиқоровна, мана депутатлик муддатининг маълум бир қисми ўтди. Бугунгача нима ишларга улгурдингиз, келажакда яна қандай мақсадларга эришиш ниятидасиз?

— Сайлов шов-шувлари, курашлари ортда қолди. Ҳаяжонлар босилди. Биз учун ҳақиқий иш депутатлик мандати тасдиқлангандан сўнг бошланди. Ҳар куни депутатлик вазифамни бажараётганда учрашувларда сайловчиларим томонидан қўйилган масалалар, саволлар кўнглимнинг бир чеккасида туради. Муҳокама қилинаётган бирон янги қонун ёки ўзгартириш ҳақида фикр билдирар эканман, бу билан сайловчиларим қўйган муаммоларни ҳал этишга қандай таъсир кўрсатишим мумкин, деб ўйлайман. Тўғрисини айтсам, учрашувларда оддий одамлар айтган таклифлар, жумладан, иқтисодий ислоҳотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётгани, баъзан сунъий тўсиқлар учраётгани ҳақидаги соддагина баҳо ва таҳлилларини эшитиб, ҳайрон қолганман. Одамлар иқтисодий ислоҳотлар ўзи ва оиласининг турмуш даражасини кўтаришга хизмат қилишини аллақачон тушуниб етган.

— Сайловчиларингизга айтадиган янгиликларингиз бордир? Май ойининг охирида дастлабки учрашувлар белгиланган экан...

— Энг аввало айтадиган гапим: «Депутатлик қийин вазифа экан». Битта қонуннинг бир моддасига киритиладиган ўзгартириш атрофидаги баҳс-мунозара ҳақида гапирсам, балким, ишимиз ҳақида озгина тасаввур ҳосил бўлар. Режага кўра «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар киритилди. Шу Қонуннинг 33-моддасида корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиб судгача санация бериш муддати 12 ойдан 24 ойгача деб кўрсатилган. Биз муддатга чегара қўймаслик, шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналар учун судгача санация муддатини Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ташкилотлари томонидан ўрганиб чиқиб белгилаш ҳақида таклиф киритдик. Партиямиз дастурларидаги аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига жуда мос келадиган бу таклифни ёқлаб, турли қўмиталар ва фракциямиз аъзоларидан олти депутат чиқиш қилди, қизғин баҳс-мунозара бўлди. Дафъатан, битта корхонанинг банкротлигини санациялаш муддатининг ижтимоий муҳофазага нима дахли бор деб ҳам ўйлаш мумкин. Гап шундаки, минглаб кишилар ишлайдиган, инқироз ёқасига келган корхонани бир-икки йил ичида ўнглаш қийин бўлиши мумкин, давлат ёрдамидаги санация эса бу корхонада меҳнат қилаётганларга иш ҳақи бериши, қарзларидан қутулиши учун имконият туғдиради.

Парламент мажлисларидаги шундай баҳслар давомида, битта қонуннинг бир моддаси атрофида шунча мунозара бўлса, янги қонунлар яратишда катта билим, фидойилик зарур экан, деб ўйладим.

— Иқтисод фанлари доктори сифатида бу борада билим ва тажрибангиз етарлику...

— Иқтисоднинг янги қонунлар яратилишини талаб этаётган микродаражадаги соҳалари кўп.

Микрокредит, ипотека кредити, истеъмол кредити тўғрисидаги қонунлар яратиш устида ишлаяпмиз. Биласиз, истеъмол кредити ҳозир ҳам бор, аммо кенг тарқалган эмас. Автомашина, уй-жойни кредитга олиш мумкин. Бутун дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги каби, телевизор ёки совутгич, мебель ва бошқа турли молларни ҳам кредитга олишни кенг йўлга қўйиш аҳолининг кам таъминланган қатламлари манфаатларига жуда мос келади.

Мени депутатликка кўрсатган Қоракўл ва Олот — аграр туманлар ҳисобланади. Фермерлардан сотган маҳсулотлари ҳақини вақтида олмаяпмиз, деган ҳақли эътирозларни эшитиб қоламан. Фермер йил бўйи тер тўкиб меҳнат қилса-ю, етиштирган маҳсулотига тўланадиган ҳақни баъзи ҳолларда 2-3 йил кутса? Унга келгуси йил ҳосилига тайёргарлик учун ҳам маблағ керак-ку? Бундан ташқари, уч йилдан кейин бу маблағнинг қадри қоладими? Қонунларимиз бор, фермер билан тайёрловчи корхона ўзаро тузган шартнома бор — унда нима учун бу ҳолат юз беряпти? Демак, депутатларнинг яна бир вазифаси — қонунларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш механизмини яратиш борасида ҳам ҳали кўп ишлар қилишимиз керак.

Суҳбатдош: Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП янгиликлари

ТАНҚИДИЙ ВА ФАОЛЛИК РУҲИДА ЎТДИ

ЎзХДП МК II пленумида партиянинг барча куч ва имкониятларини амалий ишга қаратиш, халқ билан партиянинг алоқасини мустаҳкамлаш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинган эди. Бу ишда партиянинг қуйи бўғинлари иштирокини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди. Шу кунларда жойларда ўтказилаётган шаҳар ва туман партия кенгашлари пленумларида ана шу масалалар муҳокама этилмоқда. Хусусан, **ЎзХДП Андижон, Оҳангарон, Самарқанд, Тахиатош Урганч шаҳар, Бухоро, Бўстонлиқ, Вобкент, Муборак, Улуғнор, Урганч, Шаҳрисабз, Шовот, Яккабоғ, Қўнғирот, Қўрғонтепа, Қўшкўпир, Ғузор, Ҳазорасп туман кенгашлари**нинг навбатдаги пленумлари танқидий руҳда, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Пленумларда партия ташкилотларининг бўлиб ўтган сайловлардаги иштироки таҳлил қилинди, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли хулосалар чиқарилди. Партия Сайловолди Платформасини амалга ошириш юзасидан қабул қилинган ҳаракат дастури бўйича режалар белгилаб олинди. Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш, оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ва мафкуравий соҳада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар пленумлар иштирокчилари диққат-эътиборида бўлди. Сўзга чиққанлар Ўзбекистон ХДПнинг сўллик позициясидан келиб чиқиб, қатор аниқ таклифлар билдирдилар. Пленумларда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Устави (янги таҳрири)га асосан мазкур партия кенгашларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари сайланди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ва партиядан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган, «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳи бош шифокори А.Акбаров ташаббускорлигида Ўзбекистон ХДП фаоли, жамоатчилик ҳурмат қилган марҳум Фармон Омонов хотирасига бағишлаб «Яхшилар ёди мангудир» шиори остида шахмат турнири ташкил этилди. Қатор жамоат ташкилотлари ҳомийлигида ўтказилган ушбу мусобақада фахрийлар, ёш шахмат ҳаваскорлари иштирок этдилар. Тадбир олдидан сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Я.Иноятов, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси М.Нормуродов, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси И.Каримова ҳамда ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари М.Туропов Фармон Омоновнинг ибратли ҳаёт йўли, Қашқадарё вилоятининг ривожига қўшган ҳиссаси, айниқса, Ўзбекистон ХДП обрў-эътиборини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида гапирдилар. Хотира турнири қизиқарли ва таассуротларга бой бўлди. Барча ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

Хонқа туман кенгаши томонидан иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан тадбир ўтказилди. Унда партия фаоллари, фахрийлар ва ёшлар иштирок этдилар. Мактаб ўқувчилари томонидан тинчлик ва дўстликни мадҳ этувчи шеърлар ўқилди, хонандалар қўшиқлар ижро этдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДПдан халқ депутатлари **Урганч шаҳар** Кенгашига сайланган Азимбой Раҳимов сайловчилар билан учрашди. Депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва вилоят, шаҳар Кенгашлари депутатлари фаолияти тўғрисида гапириб берди. Йиғилганлар учраётган муаммолар, хусусан, коммунал тўловлардаги ўсишнинг тартибга солинмаганлиги, ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш ва қонунчилик борасида қатор таклифларини айтдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Долзарб мавзу

Хусусий бизнесни товар бозорларига кенг жалб этиш ва шу орқали иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорликни рағбатлантириш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг таркибий қисмлари эканлиги барчага маълум.

Хўш, бу борада Фарғона вилоятида қандай ишлар амалга оширилянти?

Мухбиримиз вилоят Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.ОХУНЖОНОВ билан суҳбатлашди.

МОНОПОЛИСТ КОРХОНАЛАР СОНИ КАМАЙМОҚДА

— Бу соҳада айтса арзгулик ютуқларимиз, тажрибаларимиз бор. Мисол учун, 2000-2004 йиллар мобайнида 101 та маҳсулот ва хизмат турлари бўйича 53 та монополист корхона Давлат реестридан чиқарилди. Ўтган давр мобайнида 92 та корхона ва объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш режалаштирилган эди. Амалда эса 107 та ана шундай корхона ва объектлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, рўйхатдан ўтган юридик шахс мақомидаги жами корхоналар сони 26233 тани ташкил этган бўлса, уларнинг 90,1 фоизи хусусий секторга тегишли жамоалар эканлиги диққатга сазовордир.

Рақобат муҳитини ривожлантириш ва тадбиркорликни рағбатлантириш одатда хорижий инвестициялар ҳисобига корхоналар ташкил этиш, мавжудларини реконструкция қилиш эвазига амалга оширилиши керак. Ўтган йил охирларига келиб, вилоятда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ортди. Эрон билан ҳамкорликда барпо этилган автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш, Италия сармоядорлари кўмагида ишга туширилган мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва мебель корхоналари, польшаликлар ёрдамида иш бошлаган пахта чиқиндиларини қайта ишлаш ва бошқа қатор корхоналар шулар жумласидан. Ўтган йилнинг ўзида улар томонидан салкам 84 минг доллар миқдорига тенг маҳсулотлар четга экспорт қилинди.

Ишлаб чиқаришда хусусий сектор салмоғи юксалиши — ички бозорни маҳаллий товарлар билан тўлдириш ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш омили бўлса-да, монопол мавқеини сақлаб турган корхоналаримиз ҳали борлиги сир эмас. Масалан, «Қўқонодеял» корхонаси маҳсулотларининг ички бозоримиздаги улуши айни пайтда 81 фоизни ташкил этади. «Марғилон трактор таъмирлаш» заводининг ички хизмат бозоридаги ҳиссаси 85 фоизга яқин. «Вилоятгазтўлдириш» корхонасининг суюлтирилган газ маҳсулотини сотиш ва воситачилик хизматидаги улуши эса 95 фоизни ташкил этаяпти. Иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантиришнинг даврий дастурларига мувофиқ товарлар ва хизмат кўрсатиш бозорида мавжуд бўлган бундай салбий кўринишларга барҳам бериш чора-тадбирларини кўраяпмиз, албатта. Масалан, суюлтирилган газ билан таъминлаш борасида «Вилоятгазтўлдириш» корхонасига «Эргашинвест» ва «Автогаз» масъулияти чекланган жамиятлари рақобатчи бўлиб чиқишяпти. Шу йилнинг ўзида уларнинг суюлтирилган газ сотишдаги улуши вилоятда 5 фоиздан 20 фоизгача кўпаяди. 2007 йилда бу миқдор 55 фоизни ташкил этади ва пировардида, бундай хизмат тури давлат реестридан чиқарилади.

Аҳолига матбуот нашрларини етказиб беришда асосан «Фарғона почтаси» ҳиссадорлик жамияти деярли монопол мавқеини эгаллаб олган. Унинг мазкур хизмат турида улуши 80 фоизгача етмоқда. Дастуримизга кўра яқин орада турдош «Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамиятининг олтита шаҳар ва туманларда филиаллари вужудга келтирилади. Хусусий тадбиркорлар ҳам шу соҳага жалб этилади. Режага мувофиқ 2005 йилда «Матбуот тарқатувчи»нинг улуши бу борада 40 фоизга кўтарилади.

Вилоят ҳокими қарори билан тасдиқланган «Иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва маҳаллий товар бозорларида рақобатни ривожлантиришнинг 2005-2007 йиллар ва 2010 йилгача бўлган даври учун Дастури»га мувофиқ 17 та монополист корхоналар маҳсулотлари ва хизмат турларининг товар бозоридаги салмоғи пасайтирилиб, уларни давлат реестридан чиқарилиши кўзда тутилган. Бунда юқорида тилга олинган маҳсулотлар ва хизмат турларидан ташқари — акция пакетларини, кўчмас мулкни ҳамда давлат улушини баҳолашдаги мавжуд агентликларга турдош, муқобил субъектлар ташкил этиш каби ҳали унча эътибор берилмаган соҳалар мавжуд. Шу билан бирга балиқ, парранда, чорва моллари учун озуқа ишлаб чиқариш сингари соҳаларда ҳам рақобат муҳити юзага келтирилади. Чунки тадбиркорлик ривожи кўп жиҳатдан ана шундай ижобий тадбирларга ҳам боғлиқлигини давр кўрсатаяпти.

Бу борада Президентимизнинг яқиндагина эълон қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»**ги Фармони айни муддао бўлди. Муҳтасар айтганда, мақсадимиз янада ойдинлашди.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҲАРБИЙЙЛИК — КОМИЛЛИК

ЎҚУВЧИЛАРНИ ҲАРБИЙ КАСБЛАРГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙИДА ҲАЁТИНИ ВАТАН ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАШГА ҚАРОР ҚИЛГАН МАРДУ МАЙДОНЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эндиликда ҳарбий либос кийиш йигитлардан ҳар томонлама етук бўлишни талаб этади. Негаки, бугун ҳарбийларимизнинг жисмонан бақувват, жанговар шай бўлиши билан бирга билимли ва маънан баркамол бўлишига ҳам аҳамият қаратилмоқда.

Шарафли, айни пайтда машаққатли йўлни танлаган йигитларни ёшлигиданоқ ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи ана шундай шарафли масъулиятни ўз зиммасига олган илм даргоҳларидан бири. Агар сиз «лицейда болалар олий ҳарбий билим юртларига тайёрлаб борилади» десангиз жудаям тор фикр юритган бўласиз. Лицей фаолияти бошланғич ҳарбий таълим бериш билан бирга бу соҳанинг барча машаққати моҳиятини бўлғуси ватан ҳимоячилари, юрт қалқонларига тушунтириши билан аҳамиятлидир. Негаки бу соҳани шунчаки танлаб бўлмайди. Ватан учун, керак бўлса, ўз жонини аямаган, бунинг нақадар муқаддас бурч эканлигини ҳис қилганларгина ҳақиқий ҳарбий бўла олади.

Энг аввало, лицейдаги ўспиринларнинг бир оила фарзандларидек аҳил эканлиги эътиборимизни тортди. Ҳарбий кийимлари ўзига ярашиб турган бу йигитчаларнинг бир-бирига хушмуомалалигини кўриб ҳавасингиз келади. Негаки, уларни ҳарбий бурч, Ватанга хизмат қилиш ҳисси бирлаштириб турибди.

— Нима учун айнан шу касбни танлагансиз, деб сўраймиз 11-«б» синф ўқувчиси **Дилшод Бегматовдан.**

— Лицейга тест имтиҳонларидан ташқари жисмоний синовлардан муваффақиятли ўта олганларгина қабул қилинади. Ўқиш жараёнида мактаб дастури билан биргаликда ҳарбий таълим кучайтирилган тартибда ўргатилади. Бу ерда ўқувчилар олий ҳарбий билим юртларига босқичма-босқич тайёрлаб борилади.

— Вазирлар Маҳкамасининг **«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан бир қанча ишларни амалга оширдик, — дейди лицей директори **Собиржон Ахроров.** — Жумладан, биноларни капитал таъмирлаш, моддий техника базасини яхшилаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитувчилар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Барча фан хоналари, ётоқхона жорий таъмирланди. Ҳозирга қадар фойдаланиб келинган «Правец» компьютерлари ўрнига замонавий «ПЕНТИУМ-4» русумлиси олинди. «Эл-Холдинг» фирмаси билан ҳамкорликда кимё, биология, физика, математика хоналари учун ўқув-лаборатория ускуналари, инглиз тили, ҳуқуқшунослик, миллий истиқлол ғояси фанлари учун методик кўргазмали қўлланмалар харид қилинди.

Ёш ҳарбийлар билим масканида айниқса, спортга эътибор катта. Ўқувчилар бокс, кураш, қўл жанги билан мунтазам шуғулланишади. Бунинг боиси юрт ҳимоясига шайланган ҳар бир аскар, энг аввало, жисмонан бақувват бўлиши керак.

— Лицейимизда 345 нафар ўқувчи ўқиётган бўлса, ҳаммаси спортга қизиқади, — дейди ўзини 11-«е» синф ўқувчиси **Жавлон Тожибоев** деб таништирган наманганлик йигит. — Ўқув жараёнида жисмоний тарбия дарслари етарлича ўтилса-да, бўш вақтларимизда доим спорт билан машғул бўламиз. Мусобақалар ҳамиша қизғин. Лицей чемпиони бўлишнинг ҳам ўзи бўлмайди.

«Чақириққача ёшларни тайёрлаш», «Инсон ҳавфсизлиги асослари» фанларининг кўргазмали қуроллар асосида олиб борилиши ўқувчиларнинг ҳарбий билимларни чуқур ўзлаштиришида муҳим омил бўлмоқда. «Ватанпарвар», «Аниқ отишни ўрганамиз» каби тўгараклар ҳам қизиқарли машғулотлари билан ажралиб туради.

Кутубхона ва маънавият хонасида бадиий, илмий адабиётлар, турли мавзулардаги асарлар жамланган. Мақсад — ўқувчиларнинг сиёсий, маънавий билимини ошириш, халқимизнинг буюк тарихий мероси билан таништириш орқали уларда Ватанга муҳаббат, миллат шон-шуҳрати йўлида фидойилик кўрсатиш туйғуларини уйғотишдир. Шунингдек, лингафон ва компьютер хоналари ўқувчилар ихтиёрида. Айниқса, Президентимиз асарларини қунт билан ўқиётган интернет тармоғида дунё ёшлари билан суҳбатлашаётган, йигитларни кўриб кўзингиз қувнайди. Бир сўз билан айтганда, мустақиллигимиз ҳимоячиларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғаяётганини кўриб, **«...Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ, қалқон бор: қалъа бут, қўрғон саломат»** бўлишига ишонгимиз келди.

Анвар САМАДОВ

✧✧✧

Суратларда: лицей ҳаётидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



Хотира ва Қадр

АЖДОДЛАР ЁДИ МУҚАДДАС

Бутун инсониятнинг фашизм устидан ғалаба қозонганига 60 йил тўляпти. Бу улкан ғалаба қурбонлар, беқиёс машаққатлар, қанчалаб тақдирларнинг топталиши эвазига қўлга киритилди. 1418 кун давом этган даҳшатли урушда бир ярим миллионга яқин юртдошларимиз қатнашди. Урушнинг дастлабки йилларида фронт учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, барча ички имкониятларни ишга солиш, саноат тармоқлари, энг аввало унинг юраги бўлмиш оғир саноатни тез тараққий эттириш масаласи ўртага ташланди. Республикада чиқариладиган нодир металлар, кўмир, нефть қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, энергетика тизимини юксалтиришга эътибор кучайтирилди.

Маълумки, урушнинг дастлабки давридаёқ жанг олови ичида қолган ўлкалардаги қатор саноат корхоналари турли ҳудудларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳам кўчириб келинган эди. Ушбу муассасалар қисқа муддат ичида тикланиб ишга туширилди. Оғир саноат, айниқса, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, энергетика, кимё саноатлари салмоғи тез кўтарилди. Уруш йилларида бу муҳим аҳамият касб этар эди. Фронт эҳтиёжларини кўзлаб саноат соҳасида амалга оширилган қайта қуришлар, ишлаб турган корхоналар қувватини ошириш ва электр қувватига бўлган талабни қондириш мақсадида бир нечта ГЭСлар ишга туширилди. Бунинг натижасида республикада электр энергияси ишлаб чиқариш салмоғи сезиларли ошди.

Янги саноат корхоналарини барпо этиш ишлари ҳам олиб борилди. Бундай корхоналар орасида Тошкент трактор заводи, Экскаватор заводи, Чирчиқ шаҳридаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ва бошқалар бор эди.

Ўша йилларда кўплаб аҳоли, айниқса, ёшларнинг урушга жалб қилиниши оқибатида ишга тушган саноат корхоналарини муҳандислар эмас, оддий ишчилар билан таъминлаш ҳам йирик муаммога айланди. Ана шундай мураккаб шароитда улар ўрнини аёллар, ҳатто ёш болалар эгалладилар. 1941 йил бошларида саноат тармоқларида ишловчилар орасида аёллар салмоғи 41 фоизни ташкил этган бўлса, 1943 йил бошига келиб бу 64 фоизга етди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги аҳвол бундан-да аянчли эди. Шароит оғир бўлишига қарамай, юртдошларимиз уруш майдонларида қон кечиб юрган жангчиларни озиқ-овқат, саноатни эса хомашё билан таъминлаб турди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, урушдан жабр кўрган ҳудудларга Ўзбекистон аҳолиси томонидан кўрсатилган моддий ёрдам мамлакатнинг ўзи катта муҳтожликка учраган, моддий имкониятлар ниҳоятда чекланган бир пайтда амалга оширилди.

Фашистлар устидан эришилган ғалабага республиканинг барча ҳудудлари, шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси катта ҳисса қўшдилар. Бу борада Тошкент шаҳрининг хизматларини алоҳида айтиб ўтиш лозим. 1941 йили саноат корхоналарининг ярмидан кўпи уруш эҳтиёжи учун маҳсулот етказиб турди. Уруш энг қизиғган даврда — 1943 йили 1940 йилдагига нисбатан уч баробар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шаҳарда йигирмага яқин ҳарбий касалхоналар қурилиб, уларда минглаб уруш ярадорлари ва ногиронлар даволаниб, осуда ҳаётга қайтди. Бағрикенг ўзбек халқи душман қўлида қолган ҳудудлардан бир миллиондан ортиқ аҳолини ўз оиласига қабул қилди, шуларнинг 200 минг нафари ёш болалар эди.

Уруш кетаётган йилларда ўзбек аёлларининг ўзга миллатлар фарзандларига оналарча ғамхўрлик кўрсатишгани халқимизнинг нақадар бағрикенглиги, ўзганинг боласига ўз фарзандидек меҳр-оқибат кўрсатиш каби олижаноб фазилатларга эгалигидан далолат беради. Тошкентлик темирчилар оиласи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Бахри Акрамоваларнинг турли миллат вакилларига мансуб бўлган ўн тўрт нафар болани ўз қарамоғига олгани бунинг исботидир. Таъбир жоиз бўлса, бу ўша оғир кунларда кўрсатилган ҳақиқий қаҳрамонлик эди. Кейинчалик шаҳарнинг севимли жойларидан бири Халқлар дўстлиги майдонида бу оила шарафига ёдгорлик ҳайкали ўрнатилди, «Сен етим эмассан» кинофильми ва «Ҳазрати инсон» романи яратилди.

Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши туфайли катта моддий ва маънавий зарар кўрди. Энг ачинарлиси, урушда Ўзбекистон аҳолисининг 50 фоиздан ортиғи иштирок этиб, улардан бир неча юз мингги ғалаба йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлди, 60 мингдан ортиқ киши ногирон бўлиб қайтди. Қатор ўзбек фарзандлари, шу жумладан, аёлларимиз ажойиб қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб, жанг майдонларида ҳалок бўлдилар.

Бугун жангларда шаҳид кетганларни эслаш, хотираси олдида бош эгиш, орамизда юрган уруш иштирокчиларини қадрлаш, ҳурматини ўрнига қўйиш муқаддас бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Бу борада яқинда Президентимизнинг **«Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»**ги Фармони муҳим аҳамият касб этади.

Эркин АҲМЕДОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор

ЯПОНИЯДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИ МЕРОСИ

Японияниинг Фукуока шаҳри музейида «Буюк ипак йўли мероси» кўргазмаси очилди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари бой тарихи ва маданиятини акс эттирувчи турли экспонатлар, Буддавийлик динига оид нодир археологик топилмалар, сопол буюмлар ва қадимий тақинчоқлар кенг намойиш этилди.

Фукуока қадимдан Японияниинг йирик савдо ва маданият марказларидан бири бўлиб келган. Узоқ ўтмишда Буюк ипак йўли орқали Европа, Яқин Шарқ ва Марказий Осиёдан келтирилган ноёб моллар Кунчиқар мамлакатига айнан ушбу азим кент дарвозалари орқали кириб келган.

Шу боис жорий йилнинг февраль-апрель ойларида «Буюк ипак йўли мероси» кўргазмасининг ўтказилиши қарийб бир ярим миллионлик шаҳар ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Кўргазма муносабати билан шаҳарнинг марказий кўча ва хиёбонларига Буюк ипак йўли марказида жойлашган мамлакатимиз тарихий обидалари тўғрисида ҳикоя қилувчи улкан ва жозибадор суратлар ўрнатилди.

— Ушбу карвон йўллари қадимги дунё халқларининг тахликали ҳаётига ранг-баранглик, иқтисодий фаровонлик ва маърифат олиб келган. «Буюк ипак йўли мероси» кўргазмаси сайёҳларнинг ипак йўли чорраҳаларида бошидан кечирган ғаройиб саргузаштларни ҳаёлан тассавур этиш ва уларни ҳайратлантирган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарлар жамолидан завқланиш имконини яратди, — ёзади Японияниинг нуфузли «Ниши Ниппон Шимбун» газетаси.

Кўргазма ташкилотчиларидан бири «Curators Inc.» компанияси ижрочи директори Хироми Ханзаванинг таъкидлашича, Фукуока шаҳрида икки ярим ой мобайнида давом этган кўргазмани қарийб 25 минг томошабин келиб кўрди. Унинг муваффақиятида Ўзбекистон ҳукуматининг мазкур тадбирга қаратган юксак эътибори қайд этилди.

Хусусан, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Давлат санъатшунослик илмий тадқиқот институти, Давлат санъат музейи, Давлат халқ амалий санъати музейи, Самарқанд Давлат тарих, архитектура ва бадиий санъат музейлари кўргазмани ташкил этишда яқиндан кўмаклашдилар.

— Кўргазма қадим тарих акс-садолари ҳали-ҳануз аксарият замондошларимиз қалбида энтикиш ҳиссини уйғотаётганини намойиш этди. Умид қиламанки, умумий тарихимиз халқларимиз ўртасида дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади, — деди Х.Ханзава.

Айни пайтда Кагава, Иваки, Окадзаки ва Киото шаҳарларида ҳам жорий йилнинг 25 декабрига қадар «Буюк ипак йўли мероси» кўргазмасини ўтказиш режалаштирилган.

Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА.
Токио

«TOSHQURILISHTRANS» AJ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2005 йил 10 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 15-а уйда акциядорларнинг умумий йиғилиши очилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2005 йилнинг 10 июнь куни соат 9.00 дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «TOSHQURILISHTRANS» AJ Бошқарув раисини сайлаш ва тасдиқдан ўтказиш.
2. 2004 йилнинг якуни бўйича ҳисобот.
3. Ташқи бошқарувчининг фаолияти давомидаги ҳисоботи.
4. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
5. Бошқа масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Лейбористлар хавотирда

Буюк Британияда бўлиб ўтадиган сайловларга кўп вақт қолгани йўқ. Бироқ сайлаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар орасида ўтказилган сўровномалар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бу сафар сайловчиларнинг фаоллиги бундан 4 йил олдингидан ҳам паст бўлади.

2001 йилда участкаларга ёш сайловчиларнинг 38 фоизи боришга тайёр турган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этмоқда.

Ёшлардан сайловларда қатнашмаслиги сабаби сўралганда уларнинг аксарияти эринишини айтишган. Улар агар овоз беришни интернет ёки мобил телефон ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлганида, албатта сайловда қатнашишини маълум қилишди. Сиёсий ҳаётга аралашишни хоҳламаган ёшларнинг бир қисми уларнинг овози ҳеч нарсани ҳал қилмаслигини айтса, яна 20 фоиз аҳоли сиёсат ҳақида тушунчага эга эмасликларини билдирди.

Сайловда қатнашиш истагини билдирганлар орасида ҳам баъзи муаммолар бор. Улар ҳалигача кимга овоз беришни билмай турибди. Уч асосий партия, яъни лейбористлар, консерваторлар ва социал-демократлар ўтказадиган охирги ташвиқот куни катта аҳамиятга эга.

Лейбористлар партияси вакиллари Ироқ можаросидан норози бўлган сайловчилар бошқа партияга овоз бериши мумкинлигидан хавотирда. Бу эса консерваторларнинг ғалаба қозонишига имкон яратади.

Овоз беришга чақирди

Франция президенти Жак Ширак мамлакат фуқароларини 29 май куни бўлиб ўтадиган референдумда ягона Европа конституцияси учун овоз беришга чақирди. Жамоатчилик орасида ўтказилган сўровнома натижалари янги асосий қонунни ёқловчиларнинг сони аввалгидан кўра анча кўпайганини кўрсатди.

Президент ҳукм чиқариш ваколати Брюсселга ўтиб кетишидан чўчиб турган фуқароларга конституцияда қайси масалалар мамлакатнинг ўзида, қайсилари эса Иттифоқ томонидан ҳал қилиниши аниқ кўрсатилганини айтиб ўтди.

ЧАНҚОВУЗ ОҲАНГИ ЕВРОПАДА ЯНГРАДИ

Бельгия ва Нидерландияда Қорақалпоғистоннинг «Бахши ва Жирау» ансамбли гастроллари муваффақият қозонмоқда. Брюсселда Европа парламентида Орол денгизи муаммосига бағишлаб ўтказилган тақдимот маросимида ҳам артистлар ранг-баранг мусиқий дастурлар намойиш этишди.

Гуруҳ концертида иштирок этган англиялик бастакор ва мусиқашунос Стевия Вишарт, айниқса, чанқовузда сеҳрли оҳанглар таратган Бахберген Сиримбетовнинг ижро маҳоратига алоҳида баҳо берди.

— Мен биринчи марта чанқовуз билан танишганим ва унда мусиқа ижро этишга ҳаракат қилиб, кўрганимдан ўзимни бахтиёр ҳис қилаяпман, — дейди С.Вишарт. — Чанқовузга ўхшаш чолғу асбоби ўрта асрларда Европада ҳам бўлган. Бироқ бугунги кунга келиб бизда бу мусиқа асбоби ҳам, уни ижро этиш анъаналари ҳам йўқолиб кетган.

Қорақалпоқ артистларининг чиқишлари европалик мусиқа ихлосмандлари учун эсда қоларли воқеа бўлди.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА

Қасамёд қабул қилди

Ироқнинг Иброҳим Жаъфарий бошчилигидаги янги Вазирлар Маҳкамаси қасамёд қабул қилди.

Жаъфарий ва вазирлар бирма-бир чиқиб Ироқ халқини муҳофаза этишга қасамёд қилишди. Бироқ мудофаа ва нефть саноати вазирликлари бу вазифани вақтинча бажарувчи раҳбарларга эга бўлди. Мудофаа вазирлигини Жаъфарийнинг ўзи, Нефть саноати вазирлигини эса бош вазир ўринбосари Аҳмад Чалабий бошқариб туради.

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг доимий аъзолари 15 шиа, етти нафар курд, тўрт сунъий ва бир насронийдан иборат.

10 миллион имзодан иборат мурожаат



Сайёрамизнинг кўплаб шаҳарлари мэрлари Японияниинг Хиросима шаҳри мэри бошчилигида 2020 йилгача барча турдаги ядро қуролларини йўқ қилиш таклифи билан БМТга мурожаат қилишди.

110 мамлакатнинг 760 шаҳри томонидан ташкил этилган «Мэрлар тинчлик учун» уюшмаси раҳбарлари БМТ бош котиби Кофи Аннан билан учрашди. Кофи Аннан бу таклифни мамнуният билан кутиб олди.

Мэрлар мурожаати 10 миллион имзодан иборатдир. У Нью-Йоркда бўлиб ўтаётган ядро қуроллари тарқалишининг олдини олишга бағишланган VII конференция иштирокчиларига тақдим этилди.

Рақобатчилар бирлашуви

Узоқ вақтлар давомида қаттиқ рақобатчи бўлган Американинг Boeing ва Lockheed Martin компаниялари Пентагон буюртмасини бажариш учун ҳамкорлик қила бошлади.

United Launch Alliance деб ном олган янги компанияда 3800та хизматчи бўлиб, у АҚШнинг 5 штатида фаолият юритади.

Янги лойиҳа акциялари тенг иккига бўлинади. Икки компаниянинг бирлашиши эса йилига 150 миллион доллар иқтисод қилинишига олиб келади.

ОЛМАЛИҚ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича ўқувчиларни ўқишга таклиф этади:

- *Кимёвий технология ва ишлаб чиқариш.*
- *Фойдали қазилмаларни бойитиш.*
- *Қора ва рангли металларни эритиш ва қуйиш.*
- *Бурғулаш ишлари.*
- *Тоғ-кон қидириш ишлари.*
- *Электр тармоқлари ва жиҳозларини ишлатиш.*
- *Саноат машиналари ва ускуналарини таъмирлаш ва фойдаланиш.*

Коллежга ўқишга кириш истагини билдирган ёшлардан 2005 йил 15 июндан бошлаб қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

- ✓ *Директор номига ариза*
- ✓ *086/у шаклидаги тиббий маълумотнома*
- ✓ *3х4 ҳажмдаги 6 дона сурат*
- ✓ *Турар жойидан маълумотнома*
- ✓ *Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт*
- ✓ *Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.*
- ✓ *Педагогик-психологик тавсиянома.*

Бошқа туман ва вилоятлардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Манзил: Олмалиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 56-уй. Тел.: (8.261) 4-23-77, 4-42-57.

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2005 йилнинг 3,6,10,13,17,20,24,27,31 май ва 3,7,10,14,17,21,24,28 июнь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдоларга Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

— сатҳи 0,03га. бўлган ер участкаси.
Бошланғич нархи — 2 706 000 сўм;
— сатҳи 0,0189 га. бўлган ер участкаси.
Бошланғич нархи — 1 704 780 сўм.

Юқоридагиларга қўшимча тарзда «POYTAXT AUKSION» ДУК томонидан 2005 йилнинг 7,10,14,17,21,24,28 июнь ва 1,5,8,12,15,19,22,26,29 июль кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ:

— Қозиробод 2-тор кўчасида, майдони 0,017 га. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи — 571 200 сўм;
— «Қоратош» даҳаси, Чақар маҳалласи, Кураш кўчасида, сатҳи 0,025 га. бўлган ер участкаси.
Бошланғич нархи — 1 988 000 сўм.
— Каттабоғ 7-тор кўчасида, сатҳи 0,012 га. бўлган ер участкаси.
Бошланғич нархи — 454 608 сўм.
— «Жарариқ» мавзесида, сатҳи 0,04 га дан бўлган 12 та ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 454 400 сўмдан;**

ЮНУСОБОД ТУМАНИ:

— Соҳибкор кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 804 800 сўмдан;**
— Орифов кўчасида, майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси.
Бошланғич нархи — 1 169 280 сўм;
— «Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзеда сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 946 400 сўм;** 2-мавзеда сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 709 800 сўм;** сатҳи 0,025 га. бўлган ер участкаси.
Бошланғич нархи — 591 500 сўм;
— Мингўрик 1-тор кўчасида, сатҳи 0,04 га дан бўлган иккита ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 682 772 сўмдан;**
— А.Дониш кўчасида, сатҳи 0,015 га. бўлган ер участкаси.
Бошланғич нархи — 493 200 сўм, сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 657 600 сўм.**

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ:

— Ҳусанбоев кўчасида, сатҳи 0,015 га. бўлган ер участкаси.
Бошланғич нархи — 330 120 сўм; сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 440 160 сўм.**
— Устабоев кўчасида, сатҳи 0,0085 га. бўлган ер участкаси.
Бошланғич нархи — 131 733 сўм.
— Буюк Ипак йўли кўчасида жойлашган сатҳи 0,04 га. дан бўлган 9 та ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 036 000 сўмдан.**
— Ҳ.Абдуллаев кўчасида сатҳи 0,04 га.дан бўлган 3 та ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 372 800** ҳамда ушбу манзилда жойлашган майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси.
Бошланғич нархи — 1 029 600 сўм.
— Собир Раҳимов тумани, Генерал Гофуров кўчаси ва Тошкент халқа йўли бурчагида сатҳи 0,04 га. дан бўлган олтита ер участкаси. **Бошланғич нархи — 974 400 сўмдан.**

Шунингдек Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод тор кўчаси, 118-уйда жойлашган Олий ҳарбий божхона институтининг 1993 й. и/ч, д/р 10AL 472 бўлган «Москвич Иж-21251» русумли автототранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 412 509 сўм.**

Савдоларда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан уч кун аввал автотранспорт воситасига савдодан 1 соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК «Уйжойжамғармабанк»нинг ТШБ, ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳ/рақамига тўлайдилар.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-02-49, 133-23-40.
Гувоҳнома № 000815.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли ОЙБЕК таваллудининг 100 йиллиги олдидан

НАВОИЙШУНОС ОЛИМ

Ойбекнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир бир туркум тадқиқотлари маълум. Улар ўз салмоғи ва илмий аҳамиятини бугунги кунда ҳам сақлаб қолган. Адиб қайси мавзуда изланиш олиб бормасин, аввало унинг муайян нуқталарини белгилаб олиб, уни ўрганиб чиқади, сўнгра ҳаётий хулосалар чиқаради. Ойбек буюк шоир ижодини кузатар экан, биринчи навбатда уни вояга етказган тарихий-ижтимоий шароит, адабий муҳит хусусида шарҳлар битади. Зотан, у ёки бу ижодкор яшаган даврни яхши билиш — ижодкор табиатини, бадиий оламини тўғри англашга йўл очади.

Ойбек Навоий ижодини ўрганишга киришар экан, дастлаб Мовароуннаҳрнинг темурийлар даврига оид тарихини батафсил ўрганади. Шундан сўнг бевосита шоирнинг ҳаёт йўлини ёритишга ўтади ва Навоий атрофидаги адабий муҳитни ҳам кенг тадқиқ этади.

Ана шу кузатишлардан сўнг Ойбек Навоий ғазалиётини ўргана бошлайди. Натижада шу номли шоирнинг бебаҳо шеърларига хос юксак фазилатлар, мавзулар олами, мазмун қўламини ўзида жамлаган ажойиб тадқиқот юзага келади. Ойбек улуғ шоир ғазалиётидаги бош мавзу — инсон мавзусига эътиборни жалб этар экан, қатор фалсафий фикрларни ўртага ташлайди. Адиб бу мақолада Навоий ва тасаввуф баҳсига чуқур эътибор қаратади ва тасаввуф тарихи ҳамда унинг манбалари масаласига қатор ойдинликлар киритади.

Тадқиқотнинг Навоий «Хамса»сига кирган достонлар таҳлилига бағишланган бўлимида, хусусан «Ҳайратул-аброр» зикридаги саҳифаларда устоз санъаткор асарининг яратилиши учун асос бўлган Низомий, Деҳлавий, Жомий каби буюк ижодкорларнинг шу мавзудаги асарлари ҳақида батафсил сўз юритади. Ойбек **«Ҳайратул-аброр»ни фалсафий етук бир достон»** сифатида таърифлар экан, **«бахт ва инсонлик халққа чин кўнгил билан хизмат қилишда»** эканлигига алоҳида урғу беради.

«Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари таҳлилига оид бўлимда бу ишқий қиссалар ўз замонида кишиларга катта ибрат бўлганлиги таъкидланади. Ойбек «Сабъаи Сайёр» достонининг теран мазмуни хусусидаги қарашларини мухтасар сатрларда баён этади. «Хамса»нинг сўнгги достони — «Садди Искандарий»га атаб битилган бўлим «Искандарнома» деб номланган бўлиб, унда идеал шоҳ қандай бўлиши лозимлиги, унга хос фазилатлар, ижобий хислатлар хусусида сўз юритилади.

Адибнинг «Навоийнинг дунёқараши масаласига доир», «Навоийнинг адабий мероси масаласига доир», «Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари ҳақида» каби тадқиқотлари ҳам шоир даҳосига юксак эҳтиром тарзида битилган бадиий кузатишлар сирасига киради. Демак, Навоий ижоди Ойбек томонидан ҳар тарафлама таҳлил этилган ва бадиият ҳақида теран фикрларни ўртага ташлаши учун асос бўлган. Шу тарзда Ойбек етук бир навоийшунос олим сифатида ўзбек адабиётшунослигида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Ойбек Навоий ижодига атаб мақолалар ёзишга 1936 йилда киришган бўлса-да, уларнинг бир қисми 1961 йили «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналида эълон қилинган, қолганлари Ойбекнинг 1967 йили нашр этилган «Навоий гулшани» китобидан ўрин олган. Бундан ташқари, Ойбекнинг Александр Дейч билан ҳамкорликда рус тилида яратган рисоласи ҳам диққатга сазовордир.

Шунингдек, Ойбек буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг бадиий сиймосини яратиш бобида ҳам қўл етмас чўққи ҳисобланади. «Навоий» романи, «Навоий» достони, «Навоий ва Гули» ҳамда «Алишернинг ёшлиги» каби етук асарлар бунинг ёрқин далилидир.

Хуршида НОРПЎЛАТОВА,
Ангрен давлат педагогика институти
II курс талабаси

Мустақиллик иншоотлари

«БУХОРО» СПОРТ МАЖМУИ

УНГА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН БИРИНЧИ ТОИФАДАГИ СПОРТ ИНШООТИ МАҚОМИ БЕРИЛДИ

Бугун Бухорои шариф ўзининг тарихий обидалари билангина эмас, балки замонавий спорт иншоотлари билан ҳам кўпчиликни лол қолдирмоқда. Мустақиллик йилларида кўҳна ва навқирон Бухорода саккизта ҳайратомуз спорт кошонаси қурилди. Улар орасида «Бухоро» спорт мажмуи алоҳида ажралиб туради. Дарҳақиқат, «Универсиада — 2002» олдидан 4,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, замонавий лойиҳа асосида батамом қайта бунёд этилган.

— Яқинда Тошкентдан хушхабар олдик, — дейди вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Садриддин Шаропов. — «Бухоро» спорт мажмуасига «биринчи тоифадаги спорт иншооти», деган сертификат берилди.

Хўш, «Бухоро» спорт мажмуининг бошқалардан қандай афзалликлари бор? Замонавий лойиҳа асосида шинам ва кўркам қурилган ўйингоҳ Хитойда ишлаб чиқарилган 25 минг дона пластмасса ўриндиқлар билан жиҳозланган. Унда Голландияда тайёрланган ҳашаматли электрон табло, политан қопламаси ётқизилган енгил атлетика йўлаги, спортнинг 16 тури билан шуғулланишга мос заллар, майдончалар мавжуд. Бундан ташқари, ечиниш ва ювиниш, массаж, тренажёр, тиббиёт хоналари тўлиқ жиҳозланган. Бу қулайликлардан илк бор «Универсиада — 2002» иштирокчилари баҳраманд бўлишган.

— Юртбошимизнинг бундай ғамхўрлиги бухоролик ёшларга нуфузли мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва қатнашишга катта имконият эшикларини очиб берди, — дейди биз билан суҳбатда мажмуа директори Райим Ҳайдарзода. — Айни кунда бу ерда 1000-1300 нафар йигит-қиз спорт билан машғул. Хусусан, мини футбол, бокс, миллий кураш секциялари ёшлар билан гавжум. Шейпинг, спорт рақси секцияларида эса қизлар сони кун сайин ортаяпти.

Ҳа, мажмуада Баёз Фиёсов, Шавкат Шарипов, Сулаймон Раҳматов, Вячеслав Авестисов, Фурқат Солиев сингари мураббийлар спортсевар ёшлардан билганларини аямаяптилар. Бу ерда нафақат болалар, балки катта ёшдагиларга ҳам қулай шарт-шароит яратилган. Учта соғломлаштириш гуруҳининг ташкил этилгани бунинг исботидир. Ўқувчиларнинг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларининг вилоят ва туман босқичидаги беллашувлари ҳам мазкур мажмуада ўтаётир. Бухоро давлат университети ҳузуридаги иқтидорли болалар лицей-интернати ўқувчилари ҳамда тиббиёт институти талабалари жисмоний тарбия дарсларини шу ерда ўтишаётгани имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётганидан даракдир. Шу билан бир пайтда шаҳардаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳамда шу ҳудудда яшовчи аҳоли ҳам кўп вақтини мажмуада ўтказишаётгани оммавий спорт нақадар кенг қулоч ёзаётганини кўрсатади.

— Бугун шаҳардаги «Хумо», «Ёшлик», «Нафис», «Семурғ» ва бошқа қатор спорт мажмуаларида худди «Бухоро»дагидек шароит яратилган, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси Исмоил Мирзаев. — Бундай кўркам спорт саройлари қурилиши давом этяпти. Бултур ана шундай 4 та спорт кошонаси барпо этилган бўлса, жорий йил охиригача яна 3 та мажмуа қурилиб, фойдаланишга топширилади. Бу шубҳасиз болалар спортини ривожлантириш ҳамда баркамол авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлади.

Дарвоқе, инсон соғлом турмуш тарзига, соғлом фикрга эга бўлиши учун ўзини жисмоний чиниқтириб бориши керак. Бунинг учун эса мамлакатимизда, жумладан, қадим Бухорода спорт саройлари бисёр. Фақат улардан оқилона фойдаланишни эсдан чиқармаслик зарур.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Anvar SAMADOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 454
9213 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.30
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda

«ХОТИРА» КИТОБИНИНГ ҚЎШИМЧА ЖИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан МДҲ мамлакатларида биринчи бўлиб юртимизда «Хотира» китобини чоп этишга киришилган эди. 1995 йили нашрдан чиққан 34 жилдлик мазкур тўпламдан Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 431 мингдан ортиқ жангчи ҳақидаги маълумотлар жой олган.

Китобнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан нашрга тайёрланган қўшимча жилдига ўтган ўн йил мобайнида номлари аниқланган яна салкам 16 минг ўзбекистонлик жангчи тўғрисидаги маълумотлар киритилди. Қўшимча нашр «Нуроний» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими кенгашларининг Мудофаа вазирлигининг жойлардаги бўлимлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида тайёрланиб, «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашига тақдим этилган рўйхатлар асосида «Янги аср авлоди» нашриётида чоп қилинди.

(ЎзА)

ШОИР ХОТИРАСИ АБАДИЙ

Акциядорлик тижорат «Пахта банк»да Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган бадиий кеча бўлиб ўтди. Тадбирни Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби шоира Гулжамол Аскарова олиб борди.

Муҳаммад Юсуфнинг рафиқаси Назира Ас-Салом унинг Ватанга, халқига садоқат ва муҳаббати, ибратли ҳаёт йўли, унинг хотирасига бағишланган ишлар ҳақида гапирди. Бадиий кечада шоир шеърларидан намуналар ўқилди, унинг ашъорлари билан айтиладиган куй-қўшиқлар янгради.

Дилрабо АЗИМОВА

Танлов

«ЭНГ ЗУККО ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИ — 2005»

Бугун пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташаббуси ва Халқ таълими вазирлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамкорлигида **«Энг зукко ёш истеъмолчи — 2005»** кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтади. Унда танловнинг туман, шаҳар ва вилоятда юқори ўринларни эгаллаган 28 нафар ўқувчи ўзларининг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқий билимларини намойиш қиладилар.

Айтиш жоизки, умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида иккинчи бор ташкил этилган мазкур кўрик-танлов ёшларимиз қизиқиши тобора ортаётгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, бу галги танловда республикамиз мактабларидан 250 мингдан зиёд 9-11-синф ўқувчилари иштирок этди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш йўлида қатор ижобий натижаларга эришилди. Айниқса, ёшларнинг бу борадаги маданиятини юксалтириш, уларни ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаб етадиган истеъмолчилар қилиб тарбиялашда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзуидаги ушбу танловни ўтказишдан мақсад ҳам юқоридаги қонун ижросини таъминлаш, хусусан, истеъмол бозорида одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи сифатсиз маҳсулотлар сотилишига йўл қўймаслик учун жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда ёш авлоднинг бу борадаги маданиятини оширишга доир маърифий ишларни янада фаоллаштиришдан иборат.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Спорт

КОМПЬЮТЕР ПАНД БЕРМОҚДА

2006 йили Германияда футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатига турли мамлакатларга чипталар тарқатиш масаласида компьютер панд бермоқда.

Гап шундаки, интернет тизимига тушиб қолган қандайдир Sober вируси компьютерлар ишлашида узилишларга олиб келмоқда. Албатта, чипталарни олиш учун компьютерда файл очишга тўғри келади. Компьютерлар бўйича экспертларнинг фикрига қараганда, ҳозирча бундай қулайликдан фойдаланиш мумкин эмас экан. Сабаби, компьютер вирусининг тарқалиш хавфи бор. Бунинг олдини олиш билан боғлиқ немис тилида ёзилган хат эса ҳозирча Германия ва АҚШ шаҳарларига тарқатилмоқда.

Жаҳон чемпионати ташкилий қўмитаси эса электрон почта орқали юқумли «касаллик» тарқалиб кетмаслиги учун ҳаракат қилмоқда.

«ТИТОВ ИШИ» ҚАЙТА КЎРИЛАДИ

Россия футбол уюшмасининг янги президенти Виталий Мутко 2003 йили «Спартак» футболчиси билан юз берган допинг масаласини қайта кўрилишини билдирди. Уюшма раҳбарларидан бири «Допинг истеъмол қилиш ҳамиша ташвишли ва жиддий масала бўлиб келган. Шунинг учун биз спартакчилар жамоасида юз берган нохушликни ҳар томонлама ўрганишга қарор қилдик», деган фикрни айтди.

Эслатиб ўтамиз, жамоа сардори Егор Титов ман этилган дори-дармонларни истеъмол қилишда айбланган эди. У 2004 йилнинг январида УЕФА томонидан 12 ойга жазоланган. 2003 йилнинг ноябрида Россия терма жамоасининг Уэльс футболчилари билан биринчи учрашуви олдидан допинг масаласида Титовга нисбатан шубҳа уйғонган эди. Ўшанда Уэльс футбол ассоциацияси Россия футболчиларини Европа чемпионати финалида иштирок этишига қаршилик қилган. Лекин Лозанна халқаро арбитраж спорт суди бир футболчининг айби учун жамоани катта мусобақадан маҳрум қилиш тўғри эмас, деган хулосага келган эди.

«POYTAXT AUKSION» ДУК томонидан 2005 йил 29 март куни ўтказилган танлов савдосида Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Дадабоев кўчаси, 64-уйда жойлашган, майдони 3 244 кв.м. бўлган бир қаватли «Автобус цехи» биноси 22 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

ОҲАНГАРОН ШАҲАР МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2005-2006 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилади.

Коллежда қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади:

- Автотранспортларни таъмирлаш ва ишлатиш
- Архив иши ва иш юритиш
- Бухгалтерия ҳисоби
- Тикувчилик
- Радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва ишлатиш
- Сартарошлик ва декоратив косметика
- Сув таъминоти ҳамда канализация тизимини ўрнатиш ва таъмирлаш.

Шунингдек коллежга «ЭҲМ — оператор-ҳисобчи» йўналиши бўйича кундузги ва сиртқи бўлимларга 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар шартнома асосида қабул қилинади.

Ўқишга кириш истагини билдирган ёшлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

- Директор номига ариза
- 086/у шаклидаги тиббий маълумотнома
- 3х4 ҳажмдаги 6 дона сурат
- Турар жойидан маълумотнома
- Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт
- Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.
- Педагогик-психологик тавсиянома.

Манзил: *Оҳангарон шаҳар, 4-кичик туман К.Холмуҳаммедов кўчаси, 1-А уй. Тел: (8.264) 5-17-84, 5-17-83 факс.*

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI»ЁАЖ

акциядорларининг 2005 йил 27 апрелдаги навбатдаги Умумий йиғилиши қарорига асосан «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI» масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат мобайнида Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида қабул қилинади. Тел: 144-44-72, 136-15-29.

Ҳикматли сўзлар маъноси

ЭШАГИДАН ТЎҚИМИ ҚИММАТ

«Эшаги — уч танга, тўқими — беш танга»; «Эшагидан тушови қиммат»; «Эшаги — бир танга, тушови — ўн танга»; «Туясидан қўнғироғи қиммат»; «Бошоғидан сомони қиммат». У ёки бу нарсанинг ўзидан ҳам бирор абзали, қисми, анжоми, (сақлаб туришга, тузатиб беришга ва ҳ.к.) тўланадиган хизмат ҳақи қиммат бўлса, шундай ҳолларда мазкур мақолларни қўллайдилар.

ЭСИНГ БОРИДА ЭТАГИНГНИ ЁП

Одатда ёш болаларга иштон кийдирмайдилар, яланғоч ё битта кўйлакда чопқиллаб, «шаталоқ отиб» юраверади, катталар буни айбга ҳам санамайдилар. Гўдак каттароқ бўлиб, эси кира бошлагандан кейин ҳам шундай юраверса, энди буни айб санайдилар ва уни мазахмасхара қиладилар, «энди эсинг кириб қолди, бундоқ этагингни ёпиб юрмасанг, уят бўлади», деб насиҳат қиладилар. Бу — мазкур мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Ёшлигингда уятли, айбли ишларни қилган эдинг, майли, унинг кўпда айби йўқ. Энди катта бўлдинг, эсҳушинг жойида, мустақил ҳаёт кечириш йўлига кирдинг. Бундан буён уят бўладиган, одамлар устингдан куладиган, ҳаммага мазах-масхара бўладиган ишларни, гапсўзларни қилма. Айбингни, камчилигингни сездингми ё сенга сездирдиларми — дарҳол унинг олдини ол, бартараф эт», деган маънода насиҳат қиладилар.